

Қува туманида Ташаббусли бюджет лойиҳасининг 2025-йилида ғолиб бўлган ташаббусларни ижроси юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 13-апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарорига асосан, жорий йилнинг Ташаббусли бюджет лойиҳасининг натижаларига кўра, Қува туман бўйича жами **47 млрд 772 млн 79 минг сўмлик, 32 та “Энг кўп”** овоз тўплаган лойиҳалар (*шундан, 30 та қурилиш-таъмирлаш ва 2 та жихозлаш*) ғолиб деб топилди.

Жумладан,

I. Ички йўлларни асфалтлаштириш билан боғлиқ лойиҳалар бўйича:

Тумандаги Мустақиллик, Сойкелди, Дехқонобод, Калинпўстин, Иттифок, Қашқар, Найман, Қайирма, Бўстон, Пахтакор, Янгиобод, Пандигон МФЙлар ҳудудидаги ички йўлларини асфалтлаштиришга жами **23 млрд 995 млн 115 минг сўмлик 16 та** лойиҳалар ғолиб деб топилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан **54,4 кмдан** ортиқ ички йўллар асфалтлаштирилшига эришилди.



II. Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ лойиҳалар бўйича:


Қува тумани Какир МФЙдаги (ҳозирдаги 5 ОП) 81-ОПни реконструкция қилиш ҳамда 10 кв.ли қуёш панел ўрнатиш лойиҳасига -1 млрд 500 млн сўм;

Қува тумани Янгичек МФЙдаги (ҳозирдаги 20-ОП) Бўзахур-Шредер оилавий шифокорлик пунктига қўшимча бино қуришга-1 млрд 500 млн сўм;

Тумандаги марказий шифохона бўлимларида мукаммал таъмирлаш ишлари лойиҳасига-1 млрд 500 млн сўм;

Кўп тармоқли марказий поликлиникасини жиҳозлаш лойиҳасига-1 млрд 277 млн 100 минг сўм;

Олтинариқ МФЙдаги (ҳозирдаги 7-ОП) 80-сонли Оилавий Поликлиникани жиҳозлаш лойиҳасига-1 млрд 500 млн сўм, умумий ҳисобда жами 7 млрд 277 млн сўмлик 5 та лойиҳалар ғолиб деб топилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан соғлиқни сақлаш муассасалари замонавий ҳолатда қурилди, таъмирланди ҳамда тиббий жиҳозлар сотиб олиниб, фойдаланишга топширилди.



III. Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш тадбирлари бўйича:

Кува тумани Дамарик МФЙдаги 8-сонли мактабгача таълим ташкилотини мавжуд биноларини мукаммал таъмирлаш, бино худудини асфалтлаштириш лойихасига **жами 1 млрд 500 млн сўм маблағлар ажратилиб**, ушбу маблағлар ҳисобидан замонавий ҳолатда боғча мукаммал таъмирланди ва фойдаланишга топширилди.



IV. Умумтаълим мактабларини таъмирлаш тадбирлари бўйича:

Кува тумани Болалик МФЙдаги 57-умумий ўрта таълим мактабига усти ёпиқ замонавий мини стадион қуриш лойихасига-**1 млрд 500 млн сўм**;

Кува тумани Кандабулок МФЙдаги 29-умумий ўрта таълим мактабини таъмирлаш лойихасига-**1 млрд 500 млн сўм**;

Кува тумани Гулистон МФЙдаги 37-умумий ўрта таълим мактабига замонавий усти ёпиқ мини футбол майдони қуриш ҳамда стол тенниси ва шахмат-шашка ўйнаш учун навес қуриш лойихасига-**1 млрд 500 млн сўм**;

Кува тумани Дамарик МФЙдаги 56-умумий ўрта таълим мактабига замонавий ошхона қуриш ҳамда мактабни атрофи очик жойларини бетон девор билан ўраш лойихасига- **1 млрд 500 млн сўм**;

Кува тумани Кайирма МФЙдаги 66-умумий ўрта таълим мактабига қўшимча ўқув биноси қуриш лойихасига-**1 млрд 500 млн сўм**;

Кува тумани Корашох МФЙдаги 44-умумий ўрта таълим мактабига усти ёпиқ замонавий мини стадион қуриш лойихасига-**1 млрд 500 млн сўм**;

Кува туман Катта Қашқар МФЙдаги 27-умумий ўрта таълим мактабига замонавий усти ёпиқ мини ўйингоҳ, ўриндиқлар ва ювиниш, ечиниш хоналари мавжуд бўлган сунъий футбол майдончаси қуриш лойихасига **1 млрд 500 млн сўм** умумий ҳисобда **жами 10 млрд 500 млн сўмлик 7 та** лойихалар ғолиб деб топилган.

Ушбу маблағлар ҳисобидан 6 та ғолиб лойиҳаларда ҳозирги кунда ишлар якунланиб, фойдаланишга топширилган. Қолган 1 та лойиҳа яъни Катта Қашқар МФЙдаги 27-умумий ўрта таълим мактабига замонавий усти ёпик сунъий футбол майдончаси қуриш лойиҳаси бўйича ҳозирда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли, 2026-йилни март ойи бошида якунланиши, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.



V.Электр таъминоти яхшилаш билан боғлиқ лойиҳалар:

Қува тумани Деҳқонобод МФЙдаги Иттифок, А.Навоий, Чашма, Навбахор, Тадбиркорлар, Нурафшон, Сантир, Барака, Сантир №2, Наврўз, Мустақиллик кўчалари электр таъминотини яхшилаш учун 2 дона ТП ҳамда электр тармоқ линияси тортиш лойиҳасига 1 млрд 500 млн сўм маблағ йўналтирилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан ҳозирда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. 2026-йилнинг Феврал ойи бошига якунланиши ва фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

VI.Маҳалла гузари, маҳаллада умумфойдаланишда бўлган бошқа объектларни таъмирлаш-тиклаш билан боғлиқ лойихалар бўйича:

Каттақишлоқ маҳалла гузарини замонавий кўринишда қайта қуриш ҳамда 10 КВ лик қуёш панели ўрнатиш лойихасига 1 млрд 500 млн сўм маблағ йўналтирилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан ҳозирда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. 2026-йилнинг март ойи бошига якунланиши ва фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

VII.Қабристонларни тартибга келтириш тадбирлари билан боғлиқ лойихалар бўйича:

Қува тумани Қорашоҳ МФЙдаги Қорашоҳ қабристонини реконструкция қилиш ҳамда қуёш панел ўрнатиш лойихасига 1 млрд 500 млн сўм маблағ йўналтирилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан ҳозирда қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланмоқда. 2026-йилнинг апрел ойи бошига якунланиши ва фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.